

Xabar

16
(970)-son

22-aprel

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2011

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Айнан замонавий алоқа ва ахборот технологиялари тизimini кенг кўламда ривожлантириш мамлакатимиз ва жамиятимизнинг тараққиёт даражасини кўрсатадиган мезонлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ислом Каримов



Муҳандис — унинг АКТ ривожига даги ўрни

Ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа бизни барчамиз учун қадрли айём — республикамиз мустақиллигининг 20 йиллик қутлуғ тўйи сари элтмоқда. Шу тарихан қисқа давр ичида кўлга киритилган ва киритаётган ютуқларимиз эса жаҳонга кўз-кўз қилса арзигулик. Бу йиллар мобайнида юртимизда мисли кўрилмаган ислохотлар амалга оширилди, жамиятимизнинг ҳар бир бўғинида оламшумул ўзгаришлар юз берди. Айниқса, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, уни ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларига тўлиқ жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар бажарилди.

4-5-бетлар



Сўнгги янгилик!

LG Electronics компанияси интернетдан олинган рецептларни таклиф этувчи “ақлли” совутич тақдимотини ўтказди. Совутич Wi-Fi орқали уйдаги компьютер тармоғига боғланиши ва смартфон орқали ҳам бошқарилиши мумкин.

Бу ҳаммаси эмас. Йил охиригача компания “ақлли” кондиционерлар, кир ювиш машиналари ва ҳоказо маиший техника маҳсулотлари ишлаб чиқариб, Samsung ва Whirlpool сингари асосий рақобатчилари билан жиддий беллашишга аҳд қилган.

Ушбу сонда:

Биринчи чорак якунлари	2
Ахборот технологиялари ва телекоммуникация муаммолари	3
Такой важный сегодня — свободный доступ к информации	6
Суперкомпьютерлар пойгаси	11
Рақамли технологиялар оламидаги ёшлар ҳамроҳи	16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Алоқа оламида:

Aloqa Print

• СИФАТЛИ
ТЕЗКОР
• ПОЛИГРАФИЯ
Ишга ижодий ёндашуш

Буклетлар, плакатлар, постерлар, визиткалар, бланкалар, откриткалар, блокнотлар, папкалар, хилма-хил календарлар, журналлар ва каталоглар тайёрлаймиз

Макари: Амир Темури йўли, 3/2
Тел.: (+995 71) 238 13 34, 238 39 49
Факс: (+995 71) 233 85 56
Хизматлар алоқасизини www.aloqaprint.uz

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтаонинг таклифига биноан 2011 йилнинг 19-20 апрел кунлари давлат ташири билан ушбу мамлакатда бўлди. Ташир чоғида Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинди. Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер хўжалиқларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуни қўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан республика Хукуматининг 2011 йил 21 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишни сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Миллий университетида Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, “Sarkor Telekom” интернет провайдери, “МТС-Ўзбекистон”, “UCell” компаниялари ва “ZiyoNET” ахборот-ресурс маркази ҳамкорлигида “Ахборот технологияларининг журналистика соҳасида тугган ўрни” мавзuida анъанавий медиаконференция бўлиб ўтди.

Наманганда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан мусиқа ва санъат мактаблари истеъдодли ёшлари иштирокида “Юртим, сенга жоним фидо” деб номланган бадиий учрашув ва концерт дастури ўтказилди.

Самарқанд шаҳри яқинида “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси ва “MAN Truck & Bus AG” (Германия) мамлакатимизда осир юк ташувчи тижорат техникасини ишлаб чиқариш бўйича янги автомобил заводи қуришни бошлади.

Пойтахтимизда “Буюк Инак йўли” реклама агентлиги ҳамда “Интерконтинентал” меҳмонхонаси ҳамкорлигида “Workshop-2011” Халқаро туризм форуми ўтказилди. Унда Испания, Малайзия, Таиланд, БАА, Ҳиндистон, Полша каби давлатлар ҳамда юртимиздан 36та сайёҳлик саноати вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг навбатдаги кенгайтирилган Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш вилоятларга видеоселектор, туманларга аудиоселектор орқали узатилди. Йиғилишнинг Агентлик Бош директори, Хайъат раиси Х.Мухитдинов бошқарди.

Биринчи чорак якунлари

Хайъатда “Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш жараёни ва 2011 йилнинг биринчи чорагида олиб борилган ишлар натижалари тўғрисида” Агентлик Бош директори ўринбосари А.Хўжаев маъруза қилди. Маърузачи ҳисобот даврида соҳа корхоналари ва ташкилотлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўрсатилган алоқа хизматларининг ҳажми: шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари 1,2 фоиз, пул ўтказмалари 5,3, жўнатмалар 2 фоизга ўсди. Ҳисобот даври давомида алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналар томонидан **516,0** миллиард сўмлик (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати – **18,7** фоиз) хизматлар кўрсатилди, шу жумладан, аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш **310** миллиард сўмни ташкил этди. Экспорт ҳажми **23,26** миллион, импорт ҳажми **8,7** миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Агентлик бўйича 2011 йилги Инвестиция дастурига киритилган тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар ҳамда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилалдиган лойиҳалар бўйича биринчи чоракда жами **64,12** миллиард АҚШ доллари, Инвестиция дастуридан ташқари, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига **7,2** миллиард сўм миқдоридан маблағ ўзлаштирилди.

Туман марказлари ва шаҳарларни рақамли тармоқ билан қамров даражаси **100** фоизни, қишлоқ аҳоли жойларида эса қамров даражаси **93,7** фоизни ташкил этди.

“Ўзбектелеком” АК Халқаро пакетли коммутация марказига уланган интернет каналларининг умумий тезлиги 2820 Мбит/с.ни ташкил этди, ўсиш суръати 12,3 фоиз, тезлик қўшимча 310 Мбит/с.га оширилди. “Жиззах-Булунгур оптик толали алоқа линиялари қурилиши” лойиҳаси бўйича режалаштирилган 67,74 км. оптик толали алоқа кабели

лӣ ётқизиш бўйича ҳозирги кунда 40,12 км. кабеллар ётқизилган. “ТШТТ” филиали томонидан 52,7 км. оптик толали алоқа кабели ётқизибли, Тошкент шаҳридаги 100та кўп қаватли бинода 2400 порт сиг. орқали FTTB технологияси асосида аҳолига хизмат кўрсатиш имкони яратилди.

Ўқув жараёнига ахборот технологияларини жорий этиш мақсадида тегишли вазирликлар билан биргаликда “Электрон таълим” миллий тармоғини барпо этиш йўналишида 165та олий таълим муассасаларидан 106тасига тўлиқ лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, экспертизадан ўтказилган.

Ўтган даврда Тошкент шаҳрида тўртинчи рақамли телеузаггич тест тартибидан ишга туширилди. Пойтахтимизда ва Тошкент вилояти ҳудудида 38та телеузаггич рақамли телеузаггичлар орқали тарқатилмоқда. Нукус РТСга рақамли телеузаггич ўрнатилди. Урганч РТСга мўлжалланган рақамли телеузаггич ётқазиб келинди ва ўрнатиш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда. Рақамли телевидение сигналларини қабул қилиш ускуналарини (SET-TOP-BOX) ишлаб чиқариш бўйича “Telmax Elektronik” корхонасида биринчи чоракда 3800 дона, “Telecom Innovation” қўшма корхонасида 5000 дона тюнер тайёрланди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ томонидан почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари негизидан янги хизматларни жорий этиш ва ривожлантириш борасида халқаро ва республика миқёсида электрон почта, гибрид почта, интернет, интерактив хизматлар, электрон пул ўтказмалари, курерлик хизмати кўрсатиб келинмоқда.

“Матбуот тарқатувчи” АК томонидан “Автоматлаштирилган обуна тизимини модернизация қилиш дастури” ижросини таъминлаш борасида 99та компютер сотиб олинган ва улардан 26таси автоматлаштирилган обунанинг ягона тизимига уланган. Бугунги кунда Тошкент, Андижон вилоятлари ва компания

➔ HAY'AT YIG'ILISHIDA

ўртасида маълумотларни узатиш, қабул қилиш, умумийлаштириш ва ишлов бериш жараёни бўйича тест синовлари ўтказилмоқда.

Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази томонидан “UzDigital TV” МЧЖ учун ахборот-билдинг тизими ишлаб чиқилган, “KaDaTa” дастурий таъми-

нотининг янгиланган талқини жорий қилинди ва мазкур тизим асосида кутубхона фондларини каталоглаштириш олиб борилмоқда.

Шу йилнинг 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси маъқулланди. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиб, жорий йилнинг 13 апрелдан кучга кирди.

Тошкент ахборот технологиялари университети ва ZTE (Хитой) компанияси билан ҳамкорликда “Тармоқ ва узатиш тизимлари” кафедрасида ўқув лабораториялари ташкил этилди. Ҳозирги кунда талабалар томонидан олтинча лаборатория ишлари амалга оширилмоқда. ТАТУ ва Фарғона филиали орасида “Huawei” компаниясининг видеоконференция тизимига асосланган масофавий таълим тизими йўлга қўйилган ҳамда ҳафтага икки марта “Java тилида дастурлаш” ва “SQL-технологиялари” мавзuida дарслар ўтказилиши ташкиллантирилган. Соҳа корхоналари томонидан ТАТУ ва унинг филиалларида ва корхоналарда амалиёт ўтиш хоналари техник воситалар билан жиҳозланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 январдаги 08/8-106-сонли баёнига мувофиқ алоқа, ахборот ва компютер технологиялари йўналишларида мутахассисларни тайёрлайдиган касб-хунар коллежлари Агентлик тизимидаги корхона ва ташкилотларга бириктирилди. Агентлик томонидан барча 79та касб-хунар коллежларида “Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати”, Телекоммуникация йўналишида 52та ва Ахборот технологиялари йўналишида 120та электрон ўқув мажмуаси топширилди.

Агентлик тизимидаги корхоналар томонидан ҳисобот даврида жами 74та, жумладан, 51та асосий иш ўринлари ҳамда 23та касаначилик иш ўринлари ташкил этиш белгиланган эди. Амалда 80та асосий иш ўрни ҳамда 26та касаначилик иш ўрни ташкил этилди.

Муҳокамаalarda “Ўзбектелеком” АК бош директори М.Маҳмудов, “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали директори А.Абдумўминов, “Юнител” МЧЖ техник директори А.Голиков, “Технопроект-систем” МЧЖ директори М.Сотибодиевлар сўзга чиқиди.

Хайъатда қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

✓ Интернетдан фойдаланувчилар сони жами **7,547** миллионгани ташкил этди.
✓ Электрон рақамли имзо қалитларининг умумий сони **163 531**тага етди.
✓ 2011 йил 25 мартга қадар “ZiyoNet” тармоғига **10914**та таълим муассасаси уланди.

Ахборот технологиялари ва телекоммуникация муаммолари


Кеча Тошкент ахборот технологиялари университетда шу мавзуда республика илмий-техника анжумани ўз ишини бошлади.

Анжуман Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, ТАТУ ва Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти томонидан ташкил этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни тобора ошиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда, олий ўқув юртлири олдида бундай технологиялар билан ишлаш оладиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жуда муҳим вазифа ҳисобланиши, барча мутахассисликлар битирувчилари учун компютерда ишлаш тайёргарлигининг юқори даражада бўлиши умумий талаб бўлиб қолаётгани таъкидлаб ўтилди.

Ўзининг асосий фаолияти бевосита ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси билан боғлиқ бўлган ва бу соҳада етарли даражада билимларни эгаллаган мутахассисларни тайёрлаш янада қийинроқ масала ҳисобланади. Замонавий АКТ меҳнат бозори талаблари ҳамда битирувчи мутахассисларнинг сон ва сифат даражаси орасида фарқ борлиги, мазкур масалани ҳал этиш бугунги кунда долзарб бўлиб қолаётганлиги эътироф этилди.

Анжуман мутахассисларга шу каби долзарб масалаларни муҳокама этиш имконини берди. Муҳокамалар “Автоматлаштирилган тизимларнинг дастурий ва техник таъминоти”, “Ахборот-ресурс марказлари технологияларини ташкил қилиш ва такомиллаштириш”, “Ахборот хавфсизлигининг ривожланиш истиқболлари”, “Замонавий педагогик техно-



логиялар — таълим сифатини ошириш фактори”, “Оптик алоқа тизимлари ва тармоқлари”, “Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимларининг ривожланиш тамойиллари”, “Рақамли телевидение ва радиоэшиттириш, симсиз технологиялар, радиотехника. Ривожланиш истиқболлари”, “Ўзбекистонда ахборотлашган жамият ривожланишининг иқтисодий масалалари”, “Жамиятнинг ижтимоий жараёнларини амалга оширишда АКТнинг роли” каби шўъбаларда олиб борилди.

Анжуман ишига ТАТУнинг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, аспирантлари, магистр ва иқтидорли талабалари, соҳа мутахассислари ҳамда республиканинг бошқа корхона ва университетлари мутахассислари томонидан 450дан зиёд маърузалар тақдим этилди.

Тадбир анъанавий тарзда ҳар йили ўтказилиб келинмоқда ҳамда унда турли университет ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари қатнашиши таъминланиб, таълим ва илмий тадқиқот ишларидаги ҳамкорликларига кўмаклашиш мақсади қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматларини янада сифатли ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини соҳамизга бўлган яна бир катта эътибор деб қабул қилдик. Шу боис унинг ижросини таъминлашга биринчилар қаторида киришдик.

КаДаТа дастури амалда

Ҳозир КаДаТа дастури асосида электрон каталог тузиш ишлари жадал бошлаб юборилган. Ёки ўтган қисқа муддат мобайнида 6 минг нусхадан ортиқ китоблар рўйхати электрон каталогга киритилди. Бу орқали фойдаланувчиларга янада сифатли хизмат кўрсатишга эришмоқдамиз.

Март ойининг сўнгги ҳафтасида ахборот-ресурс марказимизда ўтказилган ҳудудий-амалий семинар қатнашчилари жамоамизнинг ҳозиржавоблик руҳидаги фаоллигидан мамнун бўлишди. Таъкидлаш лозимки, “Янги ахборот технологиялари — инновацион кутубхоначилик фаолияти самарадорлигини ошириш қуроли сифатида” деб номланган тадбирда Республика илмий-педагогик кутубхонаси директори Доно Ғаниева ҳамда қашқадарёлик бир гуруҳ ҳамкасбларимиз иштирок этишди. Улар Денов, Шўрчи туманлари ва Термиз шаҳридаги шохобчаларда бўлишиб, тўпланган тажриба билан атрофлича танишишди, тармоқ раҳбарларининг маърузаларини тинглашди. Бойсун тумани ва вилоят ахборот-ресурс марказларида олиб борилаётган амалий ишлар семинар қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Айниқса, марказимиздаги Ўзбекистон Халқ таълими аълоҳиси Адолатхон Худойкулова бошлиқ “Янги ахборот технологиялари ва интернет синфи” бўлими фаолиятига муносиб баҳо берилган барчамизни қувонтирди.

Дарҳақиқат, ахборот-ресурс марказида фойдаланувчилар учун неки зарур имконият бўлса, кўнгилдагидай муҳайё қилинган. Хусусан, ўтган Баркамол авлод йилдида китоб жағмарамиз 15 миллион сўмликдан ортиқ 2201 дона янги адабиёт билан бойитилди. Айни чоғда турли электрон китоблар ва дастурлар ҳамда мултимедиялардан иборат Маълумотлар базаси ёшлар ихтиёрига бериб қўйилган.

Маълумки, Олий Мажлис палаталарининг кейинги ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисидаги” Қонуни қабул қилинди. Амалдаги ахборот асри мақсадларига мос бу ҳуқуқий ҳужжат мамлакатимиздаги барча ҳамкорларимиз қатори бизнинг зиммамизга ҳам янги ва улкан вазифаларни юклашини ҳис этиб турибмиз. Шу боис, фаолиятимизни янада кучайтиришга ҳаракат қиляпмиз.

Қимматой АЛИЕВА,
Сурхондарё вилояти Халқ таълими бошқармаси ахборот-ресурс маркази раҳбари ўринбосари

Меҳнат билан келади шодлик...

Қашқадарёлик алоқачилар ўзларининг касб байрамини шоду хуррамлик, меҳнатда алоҳида ютуқлар билан қарши олишга одатланганлар. Бу ютуқларни “Қашқадарё Телеком” филиали жамоаси мисолида кўриш мумкин.

Маълумот ва таҳлилларга эътибор қаратсак, филиалнинг тармоқни ривожлантириш ва эксплуатация қилиш бўлими томонидан биргина жорий йилнинг биринчи чорагида Ғузур ва Деҳқонобод туман телекоммуникациялар боғламаларида эски дизел генераторлар қуввати 14 киловатт бўлган “ГЕКО 150001” русумли дизел генераторларига алмаштирилди. Китоб ва Миришкор телекоммуникациялар боғламаларидаги дизел генераторларнинг аккумуляторлари янги сизга алмаштирилган бўлса, қишлоқ аҳоли масканлари ҳудудида жойлашган маънавий эскирган аналог АТС абонентларига қулайлик яратиш ва уларнинг талабини қондириш мақсадида CDMA-450 симсиз алоқа тармоғи орқали ишлайдиган 248та стационар телефон аппарати ўрнатиб берилди. ЭАТСларда кенг полосали хизматлардан фойдаланувчи ADSL модемларига уланган абонентлар сонини ошириш буйича режа ишлаб чиқилган бўлиб, вилоятнинг барча телекоммуникациялар боғламаларида ўрнатилган DSLAM ускуналарининг монтаж сифими 1608 портга етказилди, фойдаланиладиган сифими 1474 портни ташкил этади. Электрон АТСларда қўшимча хизмат турларидан фойдаланувчи абонентлар сони 29056та бўлиб, хизмат турларидан олинган даромад биринчи чоракда 67587952 сўмини ташкил этди. Рақамли АТСлар-

нинг ўрнатилган сифими 56850 рақам бўлиб, 46223 рақамдан фойдаланилмоқда.

Ахборот технологиялари хизмати бўлимининг фаолияти, эришаётган ютуқлари янада таҳсинга сазовордир. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, вилоятнинг Шаҳрисабз, Муборак туманларидаги аҳоли ҳамда корхоналар учун кўрсатилаётган интернет хизмати даражаси кундан-кунга ошиб бормоқда. Вилоятнинг йирик Муборак газ конлари бошқармаси ҳамда Муборак газни қайта ишлаш заводларини алоҳида эътироф этиш мумкин. Ҳозирга қадар ADSL интернет хизматидан фойдаланувчиларни солиштирсак, жисмоний шахслар 1012тани, юридик мақомга эга бўлганлар эса 344тани ташкил этиб, биргина 2011 йилнинг биринчи чорагида бу хизматдан юридик мақомга эга бўлганлардан 14753180,09 сўм, жисмоний шахслардан 11156819,7 сўм даромад олинди. 801та CDMA-450 стандартидаги стационар телефон аппаратлари аҳоли ва ташкилотларга сотилди.

Иқтисодий таҳлил ва прогностлаш бўлими томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи чораги давомида жами 912 млн. 515 минг сўм даромад олинди. Шундан 71 миллион 46 минг сўми интернет хизматидан олинган даромаддир. Ўтган 2010 йилнинг биринчи чорагида 887 млн. 229 минг сўм даромад олинган, шундан 18 млн. 566 минг сўми интернет хизматидан

тушган эди. Яъни, интернет хизматидан олинган даромад 52 млн. 480 минг сўмга ошган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, филиал жамоаси бу йилги касб байрамини янги манзилда қарши олмақда. 2010 йилнинг май ойида жамоа янги бинога кўчиб ўтди. Қисқа вақт ичида бу ерда кенг қўламли ободонлаштириш ва кўзаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳудуддаги бир гектар ерга кўплаб мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Ишчи-ҳодимларга қулайлик яратиш мақсадида алоҳида қозонхона ишга туширилиб, бино тўлиқ иситиш тизими билан таъминланди.

Китоб туманининг Р.Шайманов жамоа ҳўжалиги ҳудудидан олинган беш гектар ерда бог яратилиб, 1200 туп олма, 800 туп олхўри, яна бир гектар ерга қишлоқ ҳўжалиги ва полиз маҳсулотлари экилди. Филиалнинг миришкор боғбонлари парвариши тўғрисида эрта баҳорда экилган картошка ва шунга ўхшаш экинлар мавж уриб ўсмоқда.

Баҳодир Бобоев, Нурмаат Зоиров, Самад Бозоров, Розик Мўминов, Дилором Эргашева, Шаҳноза Тўрақулова, Сафар Қувватов, Қаҳрамон Расулов сингари филиалнинг илгор муҳандиси ишлаб чиқариш илгорлари касб байрамларини меҳнатда ютуқлар билан қарши олмақдалар. Филиалнинг туман телекоммуникациялар боғламаларида меҳнат қилаётганларнинг ҳам кайфияти аъло, ҳамкасбларига ўрнак бўлаётганлар кўплаб топилади.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Хабар”нинг Қашқадарё вилоятидаги муҳбири



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Телекоммуникация соҳасини реконструкция қилиш ва модернизациялаш натижасида юқори ўтказувчанлик салоҳиятига эга, рақамли синхрон иерархия технологиялари асосида ўта сифатли ва барқарор ишлайдиган алоқа тармоғи бунёд этилди. Тақдим этилаётган алоқа хизматини кенгайтириш янги турдаги хизматларни жорий этиш, мобил алоқа, маълумот узатиш ва интернетдан қулай ва тезкор фойдаланиш бўйича замонавий инфратузилма ривожланишига туртки бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидение тарқатиш кон-

негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш борасидаги ишлар ҳам диққатга сазовор. Бугунги кунда интернет тизимида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг янги кўринишдаги веб-сайти фаолият кўрсатмоқда. Хоҳловчилар веб-сайтнинг обуна бўлими орқали истаган нашрларга электрон обуна бўлиш имкониятига эга. Ушбу веб-сайтада интернет орқали расмийлаштириладиган обуна учун электрон тўлов тизимлари бўйича маълумотлар ҳам жойлаштирилган. Ана шундай веб-сайт “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компаниясида ҳам мавжуд бўлиб, компания мутахассислари аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва сифатини ошириш учун ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланишмоқда.

Ўтган йилнинг май ойида Корея Республикаси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда биринчи илмий-техник адабиётлар электрон кутубхонаси ишга туширилди. Электрон каталог, 34 ўришли умумий зал, 32та компьютер ва бошқа замонавий техникалар билан жиҳозланган медиамарказ,

япти, фуқаролар эса шу ернинг ўзида, қимматли вақтини йўқотмасдан, маълумотнома, лицензия олиш ва бошқа шу каби хизматлардан баҳраманд бўлмоқдалар.

Истиқлол йилларида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини жадал ривожлантириш борасида қатор янги лойиҳалар амалга оширилди. Биргина “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг маҳаллий телекоммуникация тармоғида сизими 1,9 млн. рақамдан ортиқ икки мингдан зиёд телефон станция (АТС)лар мавжуд. Уларнинг 95 фоизини рақамли телефон станциялари ташкил этади. Шаҳар ва туман телекоммуникация тармоқларида 485та АТС мавжуд бўлиб, уларнинг умумий монтаж сизими 1,7 млн.дан зиёдни ташкил этмоқда. Юртуман марказли телекоммуникация тармоғи билан қамраб олиш даражаси 100 фоизга етди. Компания CDMA-

ВАЗИФА МАСЪУЛИЯТИ

Корхона Узатгич аппаратлари цехи бошлиғи, 28 ёшли муҳандис Зуфар Курбонов бошқараётган жамоа аъзолари зиммасига республикада мавжуд барча станцияларга алоқа каналларини етказиб бериш, халқаро



Зуфаржон ва Шуҳрат муаммоларни бирга ҳал қилишади.

Муҳандис — унинг

цепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу концепцияга мувофиқ Тошкент ва Бухорода теледастурулар рақамли телевидение қурилмалари орқали эфирга узатила бошлаганига анча бўлди.

Ватанимиз Мустақиллигининг 19 йиллиги нишонланганидан кутлуғ шодиёна арафасида “Навоий” эркин санат-иқтисодий ҳудудидида рақамли телевидение қабул қилгичларни ишлаб чиқарувчи янги завод ишга туширилди. Узатилаётган телекўрсатувлар сифатини ошириш босқичма-босқич амалга оширилиб, 2015 йилда рақамли телевидениега тўлиқ ўтиш мўлжалланаётган бир пайтда ушбу заводнинг ишга туширилиши муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Мамлакатимиз давлат органларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш, ахборот ресурсларини кўпайтириш борасида ҳам диққатга сазовор ишлар амалга ошириляпти. Электрон ҳужжат айланиши тизими, электрон рақамли имзо, “ZiyoNet” тармоғини кенгайтириш, дастурий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, почта алоқаси тармоғини ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологиялари



Бу қувончли лаҳзалар Олег Зитаевнинг доимо ёдида.

электрон сенсорли киосклар, кутубхона электрон маълумотлар базаси ва интернет хизматлари китобхоналар ихтиёрида. Кутубхона маълумотлар базаси 40 мингдан ортиқ турли илмий адабиётларни ўз ичига олган. Бугунги кунда республикамизнинг барча АКМ ва АРМларида электрон кутубхоналар мавжуд.

Республикамизда биринчи бўлиб пойтахтимизнинг Сергели туманида очилган “Ягона ойна” маркази каби марказлар айни пайтда бирин-кетин бошқа туманларда ҳам ташкил этиляпти. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерфаол шаклда давлат хизматларини кўрсатувчи бу марказлар орқали аҳолига кўрсатиладиган кўплаб давлат ва жамоат хизматлари бир жойда жамла-

450 стандартидаги симсиз алоқа тармоғи хизматларини тақдим этиш орқали мобил алоқа бозорига фаол кириб бормоқда.

Таъкиллаб ўтилган бу улғувор ишларнинг ҳаммаси янги, мураккаб техника ва технологияларни чуқур билим ва юксак малака билан бошқариш орқали амалга оширилмоқда. Уларни бошқарувчилар эса юртимизда АКТни ривожлантиришда асосий куч ҳисобланган муҳандислардир.

Биз бугунги кўш саҳифамизда республикамиздаги етакчи алоқа корхоналаридан бири — “Ўзбектелеком” АК “Тошкент телеграф-телефон станцияси” филиалида фаолият юритиб, корхона ривожига салмоқли ҳисса қўшаётган ёш, иқтидорли муҳандислар, истиқлол шарофати билан ёшларга яратилган шароит ва имкониятлар, корхона раҳбарларининг ёш мутахассисларга бўлган юксак эътибори ҳамда булардан унумли фойдаланиб қўлга киритилаётган муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Мақсадимиз — мураккаб техникаларни теран ақл билан бошқариб, юртимизда алоқа сифатини яхшилашдек муҳим вазифага ўз ҳиссасини қўшаётган муҳандис меҳнатини эътироф этиш ҳамда мустақил ҳаёт остонасида турган ёшлар қалбидида бу шарофли касбга муҳаббат уйғотишдан иборат.

каналларни ташкил этиш ва назорат қилиш, видеоалоқа, видеоконференцалоқа, алоқа соҳасидаги трактларни ташкил этиш каби ўта масъулиятли вазифа юклатилган. Бу ишларни талаб даражасида бажариш, биринчи навбатда, етакчидан, қолаверса, у ерда ишловчи муҳандис ва техник ходимлардан зиммаларидаги вазифа масъулиятини чуқур ҳис этишни талаб этади. Мазкур цех жамоаси ана шундай меҳнат қилмоқда ва корхона ривожига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

— Эришаётган ютуқларимда устозларим Султонмурод Шукуров ҳамда Тамара Шеиналарнинг муносиб ўрни бор, — дейди Зуфаржон биз билан суҳбатда. — Улар мени синчковликка, техника билан ишлашда эҳтиёткорликка ўргатишди. Қолаверса, танлаган касбимдан хурсандман. Касбим орқали жамоада обрў-эътибор топяпман, оила тебратяпман. Бундай кейин ҳам ўз меҳнатимни аямайман. Зеро, юрт тараққиётига ҳисса қўшиш биз каби ёшларнинг бурчимиздир.

КЕЛАЖАГИ ПОРЛОК

“ТошТТК” филиали Узатгич аппаратлари цехи муҳандиси Шуҳрат Тулаганов келажаги порлоқ йигитлардан.

Шуҳрат болалигидан алоқа соҳасига қизиқарди. Ана шу қизиқиш уни Тошкент ахборот технологиялари университетида олиб келди. Университетдаги устозларидан олган билимларини цехдаги иш жараёнида мустаҳкамламоқда.

Айни пайтда Шуҳрат Тулаганов узатгич аппаратларини эксплуатация қилиш, модернизациялаш ишига ўзининг муносиб улушини қўшяпти.

— Келажақда бажаришим лозим бўлган ишлар кўп, — дейди Шуҳрат. — ТАТУнинг магистратура бўлимида ўқишни давом эттиришим, илмий



Султонмахмуд (чапда) ва Жамшиднинг фикрлари кўпичча бир жойдан чиқади.

ишлар олиб бориб, алоқа сифати янада яхшиланишига муносиб ҳисса қўшим керак.

КАМТАР, КАМСУКУМ, УКУВЛИ

Камтар ва камсукум, ўзидан кўра ён-атрофдагилар эришадиган муваффақиятлар ҳақида гапиришни хуш кўрувчи бу йигитни бир кўрган одам унинг 45 кишилик катта жамоани бошқараётганига ишонмайроқ қараши аниқ. Лекин бу рост гап. Ўттиз бир ёшли муҳандис Султонмаҳмуд Сиддиқов мана уч йилдирки, телеграф алоқалар цехи бошлиғи.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг телекоммуникация факультетини битириб, муҳандисликдан иш бошлаган Султонмаҳмуд ҳаракатчанлиги, ишга муносабати, ўзига топширилган вазифа масъулиятини чуқур ҳис қилиши сабаб раҳбарлар эътиборига тушди. Ишни қийналмай эллаб кетишида университетдаги устозлари Ниғора Каримова, Раъно Ражапова ҳамда Рихси Исаевлар томонидан берил-

технология анча қулайликлар яратди.

Жамшид ўз иши, жамоаси ҳақида тўққинлаб сўзлади. Бундай билим-ли, ақлли йигитларга бахт доимий ҳамроҳ бўлиши аниқ.

АҚЛ ЁШДА ЭМАС...

Азизбек Абдуқодиров номзодини корхона Электр таъминлаш ва климат-техника цехи бошлиқлиги вазифасига тавсия этар экан, тажрибали муҳандис Абдумалик Ҳошимов ушбу мақолни келтириб ўтди. “Мен зиммамдаги вазифани шу йигитга ишониб топширишим мумкин, — деди устоз алоқачи. — У ишни бизнинг цехдан бошлади ва ўзининг нималарга қодирлигини кўрсатди. Ўз устида ишлашни канда қилмайди. Инглиз тилини яхши билгани боис, чет элдаги иш жараёни билан яхши таниш. Янги технологиялар ҳақида аллақачон ўқиб, билиб олган”.

Устоз алоқачининг таклифи корхона раҳбарияти томонидан ҳам маъқулланди. Шундай қилиб, 27 ёшли муҳандис Азизбек ўзига топширилган вазифа

ри портларини ошириш, халқаро ҳамда шаҳарлараро узлуксиз алоқани таъминлаш, шунингдек, вилоятлардаги алоқа корхоналари ишига раҳбарлик қилишдек муҳим вазифани сикдидилдан бажармоқда. Шунинг учун ҳам у корхонада алоҳида ҳурматга сазовор.

ХАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Дарҳақиқат, бугуннинг ёшларига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Улар коллеж ва олийгоҳларда ўқиб билим олмоқдалар, касб ўрганмоқдалар, чет эллик ҳамкасблари билан интернет, телефон орқали мулоқотда бўлиб, ўз билим даражасини оширмоқдалар. Бунинг учун уларга барча шароитлар яратилган.

Ана шундай ёшлардан бири Хуршид Сағатовдир. Хуршид Йўлдош алоқа цехи етакчи мутахассиси сифатида йўлдош алоқа қурилмаларига хизмат кўрсатади. Телефон, телевидение, интернет узатиш ва қабул қилишдек фоят эътиборталаб ишни ба-

ратория бошлиқлиги даражасига кўтарилди. Бу борада унинг тиришқоқлик, билимга чанқоқлик, интилувчанлик фазилатлари кўл келди. Бугунги кунда Олег Эштаев корхонанинг ҳурматга сазовор муҳандисларидан бири.

— Инсон ҳеч қачон ўқиш, изла-нишдан тўхтамаслиги керак, — дейди Олег Курганович. — Ҳамкасбларим



Ёшлар устози Валерий Грахов.

АҚТ ривожига даги ўрни

ган назарий билим ҳамда цехдаги тажрибали устозлари Саъдулла Убайдуллаев, Геннадий Можаяев, Татьяна Ковалларнинг ҳиссалари катта бўлди.

— Телеграф алоқа цехимиз республика миқёсидаги марказий телеграф ҳисобнавали, — дейди Султонмаҳмуд. — Зиммамизга ташкилот, корхона ва муассасаларни телеграф алоқа, аҳолини телеграмма жўнатмалари билан таъминлаш, телеграф алоқа каналларини ижарага бериш каби вазифалар юклатилган. Бу ишларни сифатли бажаришда эски механик станцияни янги, кам техник хизмат талаб қилувчи, ихчам электрон станция — СПАТ-га алмаштирганимиз кўл келмоқда. Яқин кунлар ичида телеграф тармоғидаги бошқа эски ускуналар ҳам янгиси билан алмаштирилди. Шунда ишимизда сифат янада ортади.

БАХТ УНГА ХАМРОХ

— Республикаимиз мустақиллиги эълон қилинганда беш ёшда эдим, — дейди Телеграф алоқалар цехи муҳандиси Жамшид Имомалиев, — Ўшанда гўдак бўлсам-да, оила аъзоларим, кўни-кўшниллар шодлигига гувоҳ бўлганман.

Истиқлол даврида вояга етдим, ўқидим, олий маълумотли мутахассис бўлдим. Биз ёшларнинг фаровон яшашимиз, яхши билим олишимиз учун барча шароитлар яратилган. Ҳозир ишлаш билан бирга ТАТУ магистратурасида алоқа ва ахборотта ишлов беришининг оптик усуллари ва воситалари йўналиши бўйича таълим оляпман. Ўқишимни давом эттиришимда яқиндан ёрдам бераётган, ҳар дам қўллаб-қувватлаётган корхонам раҳбариятидан фоят миннатдорман.

Айни пайтда цехимизда янги — Россиянинг “ЛинТех” компаниясида ишлаб чиқарилган “Вектор-2000” технологияси ишга туширилган. Бу янги, замонавий

фани бехато уддаламоқда. Ўттиз кишилик жамоа билан ҳамкорликда корхона электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, технологик хоналар ҳароратини талаб даражасида ушлаб туришдек муҳим ишни адо этишяпти.

— Цехимиз ускуналаридаги дизел генератор, аккумуляторларнинг ҳаммаси чет элники, — дейди Азизбек. — Технологик асбоб-ускуналарнинг бегўхтов ишлашини таъминлаш ушбу қисмлар иш жараёнида яхши билишни талаб этади. Шу сабаб, биз корхона ҳисобидан очилган инглиз тили курсида иштирок этамиз. Ҳали олдинда улкан режалар турибди. Юртбошимиз биз, ёшларга катта ишонч билдирган экан, бу ишончни оқлаш бош мақсадимиздир.

УСТОЗЛАРДАН БИРИ

Корхонада устоз муҳандислар ҳақида гап кетгудай бўлса, Валерий Грахов номи биринчилардан бўлиб тилга олинади. Бунга сабаб Валерий Владимировичдаги юксак билим, ўз ишига масъулиятини чуқур ҳис этишидир. Унинг бу корхонада меҳнат қилаётганига ҳам 27 йил бўлди.

Валерий Владимирович шаҳарлараро автоматик телефон станцияси етакчи муҳандиси сифатида NEAX-61, EWSD, AXE-10, AXE-810 станцияла-

жарди. Чет эл оператор ва провайдерлари билан инглиз тилида бемалол мулоқот қилади. Улар билан тажриба алмашади.

— Ҳали олдинда қилинажак ишларим кўп, — дейди Хуршид. — Айни пайтда ТАТУнинг магистратура бўлимига кириш учун тайёрланяпман. Бундан ташқари, илмий даражамни ошириш устида ишлаяпман. Ҳадемай Йўлдош алоқа цехига янги техника ва технологиялар олиб келинади. Уни ўрнатиш ва ишлатишда менинг ҳам муносиб ҳиссам бўлади, албатта.

Биз ҳам Хуршиднинг ниятлари амалга ошишига тилакдошмиз.

ИХТИРОЧИ

Филиал ҳисоблаш техникаси лабораторияси бошлиғи Олег Эштаев касбига меҳр кўйган, муҳандисликнинг барча сир-асрорларини пухта ўзлаштириб олган мутахассислардан бири. Уни ҳамкасблари ихтирочи-муҳандис ҳам дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай.

Олег Курганович Тошкент алоқа техникумини тугаллаб, 1985 йили шу ерга ишга келди. Ишлаб туриб, Тошкент электротехника алоқа институтини битирди. Муҳандисликдан лабо-

Р.Абдуллаев, М.Чигарева, Л.Ким, Т.Горбунова, В.Фотиугалар билан биргаликда “МК-МПУ коммутатори” ни EWSD ва AXE 810 рақамли станциялари билан мослаштирувчи қурилма” яратган эдик. Ушбу рационализаторлик таклифимиз билан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган республика ихтирочи ва рационализаторлари кўрик-танловида учинчи ўринни эгалладик. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бу эътиборидан мамнун бўлган ҳолда изла-нишларимни давом эттирмоқдаман. Мақсадим республикада алоқа соҳаси ривожига ўз ҳиссамни қўшишдир.

“АЗИМУТ” МУҲАНДИСИ

Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида “ТошТТС” филиалига қарашли “Азимут” йўлдош станцияси жойлашган. Бу станциядаги муҳим ишларни ёш муҳандислардан бири Обиджон Собиров бажаради. Ҳали 30 ёшга ҳам тўлмаган Обиджон касбига муҳаббати, ҳаракатчанлиги, чуқур билими билан филиал муҳандис-техник ходимлари орасида ҳурмат-эътибор қозонган.

— Ватан биздан фидойиликни кутмоқда, — дейди Обиджон. — Унинг ривожини, мустақиллигини мустақамлашдек буюк ишга ҳисса қўшиш бизнинг вазифамиздир.

“ТошТТС” филиали муҳандислари ўз ишлари, режа ва мақсадлари ҳақида ана шундай тўлиб-тошиб гапиришиди. Танлаган касби туфайли жамоада эътибор топаётганликларидан мамнун эканликларини билдиришиди. Ва газета орқали республикада алоқа соҳаси ривожига улуш қўшаётган барча ҳамкасбларини 7 май — Алоқачилар куни билан табрикламоқчи эканликларини айтишиди.

Биз улар истагини эгаларига етказяпмиз, холос.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
“Хабар” мухбири



Азизбек Абдуқодиров (ўнгда) ҳамкасбини Хуршид Сағатов билан.

➔ НОВЫЙ ЗАКОН ВСТУПАЕТ В СИЛУ

ТАКОЙ ВАЖНЫЙ СЕГОДНЯ — СВОБОДНЫЙ ДОСТУП К ИНФОРМАЦИИ

На состоявшемся в г. Ташкенте пятом пленарном заседании верхней палаты парламента страны сенаторы рассмотрели и одобрили, а Президент Ислам Каримов утвердил Закон Республики Узбекистан «Об информационно-библиотечной деятельности».

Для работников информационно-библиотечной сферы, общественности и всего населения республики принятие Закона является событием исторической важности, поскольку в нем нашли отражение такие важные вопросы, как государственное регулирование информационно-библиотечной деятельности и государственная поддержка информационно-библиотечных учреждений.

Аналога принятого в нашей стране нет ни в одном государстве на постсоветском пространстве, что является свидетельством большого внимания и заботы Президента И. Каримова о развитии информационно-библиотечной системы, повышения уровня информационного обеспечения населения. Новый закон открывает дополнительные возможности для реализации задач, содержащихся в постановлении главы государства «Об организации информационно-библиотечного обеспечения населения республики» от 20 июня 2006 года.

В своей повседневной деятельности информационно-библиотечные центры, библиотеки руководствуются Положением об информационно-библиотечных учреждениях, названным выше Постановлением Президента, а также Постановлением главы государства «О мерах по дальнейшему качественному развитию информационно-библиотечного и информационно-ресурсного обслуживания на базе информационно-коммуникационных технологий на 2011-2015 годы» от 23 февраля 2011 года, решениями межведомственного координационного совета.

Трудно переоценить значимость

этих документов, которые регламентируют деятельность информационно-библиотечной системы и определяют основные направления её развития. Вместе с тем, в результате углубления реформирования системы, перехода на новые формы и методы обслуживания населения назрела необходимость в документе, регулирующем отношения в информационно-библиотечной деятельности.

Таким документом стал Закон Республики Узбекистан «Об информационно-библиотечной деятельности», который 13 апреля текущего года утвержден главой государства.

Необходимо отметить, что этому предшествовало широкое обсуждение проекта закона в заинтересованных ведомствах, организациях и учреждениях, в том числе и в нашем информационно-библиотечном центре.

Актуальность нового закона обусловлена необходимостью закрепления основных принципов деятельности информационно-библиотечных учреждений.

Новый закон состоит из 7 глав, 28 статей, которые раскрывают его основную цель, направленную на правовое регулирование отношений и развитие информационно-библиотечной деятельности, обеспечение гарантий прав граждан на свободный доступ к информации, её выбор в соответствии с потребностями, создание возможностей для творческого развития, духовного обогащения и гармоничного формирования личности.

Нормативно-правовой документ, о котором идет речь, закрепляет структуру информационно-библиотечной системы. В ней осо-

бое место занимают информационно-библиотечные центры, осуществляющие методическое руководство учреждениями. В нашем регионе такими функциями наделен областной информационно-библиотечный центр.

Чтобы соответствовать определенному законому статусу, мы проводим целенаправленную работу по обновлению и повышению качества оказываемых услуг. Ускоренными темпами в центре создается электронная библиотека — формируется полнотекстовая электронная база данных, продолжается оцифровка книг и других печатных изданий, 1 апреля начался ввод системы автоматизации библиотечных процессов «КаДаТа-2». Одновременно обновляются традиционные формы обслуживания пользователей печатными изданиями, функционируют постоянно действующие курсы повышения квалификации наших работников.

Закон «Об информационно-библиотечной деятельности» направлен на развитие современных информационных технологий, прежде всего, интернет-обслуживание населения, в первую очередь молодежи.

Данный закон определяет полномочия органов, осуществляющих управление деятельностью информационно-библиотечных учреждений и формы их государственной поддержки.

Кроме того, устанавливается порядок обслуживания пользователей, их права и обязанности.

Новый закон позволит укрепить правовую основу по выработке единой политики государства в деятельности информационно-библиотечных учреждений, занять им достойное место в информационном пространстве.

Р. КУРБАНОВ,
директор Хорезмского областного
информационно-библиотечного
центра

Инновационные технологии внедряются в производство

